Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 13-may. Seshanba • 58 (31.805) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссиясида

Мажлисда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ жорий йил декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ташкил этади ва ўтказади.

Мажлисда 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури кўриб чиқилди.

Мажлис иштирокчиларининг фикрича, 2009 йилдаги сайловлардан кейин мамлакатимизда сайлов қонунчилигини янада либераллаштириш ва такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар бўлажак сайловларни энг демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ тарзда ўтказишнинг муҳим омилига айланади.

Давоми 2-бетда.

ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Муаммолар ҳал қилиняпти

Аҳоли орасида учраётган ижтимоий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш, электорат вакилларига ҳуқуқий маслаҳат беришда ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарининг роли тобора ошиб бормоқда. Олмазор туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Туман партия кенгаши фаолларининг маълумот беришича, жорий йилнинг ўтган даврида қабулхонага 19 та мурожаат тушган. Улар асосан коммунал соҳа, ишга жойлашиш, пенсия таъминоти, соғлиқни сақлаш билан боғлиқ масалаларда бўлган. Шундан 17 та мурожаатда кўтарилган муаммо ижобий ҳал этилган. Қолган иккитаси бўйича ҳуқуқий маслаҳат берилди.

— Мурожаатларда кўтарилган масалаларни ўрганиш ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида ҳал этишда халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатлар фаол иштирок этмоқда, — дейди **халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Махсуд Қосимов.** — Хусусан, қабулхонага келган фуқаролар мурожаатини тинглашдан ташқари, ҳафтанинг шанба куни депутатлар иштирокида ҳуқуқий маслаҳатхона ташкил этиб келинмоқда ва бу фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларни ўйлантирган масалалар бўйича малакали жавоб берилишига хизмат қилмоқда. Аҳамиятли жиҳати, биз партия гуруҳи йиғилишида мурожаатларни мунтазам таҳлил қилиб борамиз, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда электоратни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, ҳудудий дастурларга шу асосида ўзгартиш киритиш эҳтиёжини аниқлаш бўйича таклифлар шакллантираяпмиз.

► *Давоми 2-бетда.*

ЎзХДП ҲАЁТИ

Электорат манфаатини ҳимоя қилиш учун

мавжуд имкониятларни ишга солиб, ташаббус кўрсатиб ишлаш керак

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миробод туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда партия дастурий мақсадларини амалга ошириш ҳамда электорат манфаатини ҳимоя қилишни янада кучайтириш масаласи муҳокама этилди.

Туман партия кенгаши етакчиси Василий Воргудяев таъкидлашича, ўтган йилда «Билимдон», «Сарикўл», Ойбек номли ва «Янги замон» маҳаллаларида аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий нафақалар тайинланишининг манзиллилиги, тиббий хизмат кўрсатишнинг сифати масалаларида мониторинг ўтказилган. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича депутатлик назоратини олиб бориш юзасидан таклифлар тайёрланиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳига юборилган. Шунингдек, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижасида электорат вакилларини ташвишга солаётган қатор ижтимоий масалалар ҳал этилган.

► *Давоми 2-бетда.*

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддасидан.

Ахборот хизматлари фаолиятининг

қонуний асослари мустаҳкамланди

ҚОНУН ВА ШАРҲ

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни шу йил 6 майдан кучга киргани мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланишида яна бир тарихий аҳамият касб этди. Қонунда фуқароларнинг ахборотга бўлган Конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш тартиблари белгилаб қўйилгани, аввало, халқ ва давлат ўртасидаги муносабатларда демократик тамойиллар қарор топишига хизмат қилади.

⇨ 3

МУНОСАБАТ

Президентимиз Ислом Каримов 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюсида билдирган фикрлар кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, ЎзХДП фаоллари, депутатлари, электорат вакиллари давлатимиз раҳбари эътибор қаратган долзарб масалалар бўйича ўз мулоҳазалари ва хулосаларини билдиришмоқда.

Халқимизнинг тинчлиги ва омонлигини асраш

энг улуғ мақсаддир

Дунёнинг қатор мамлакатларида таҳдид-таҳлика авж олиб, янгидан-янги оловли нуқталар пайдо бўлаётган, одамлар ҳаёти хавф остида қолаётган бир пайтда халқимизнинг бугунги тинч, осуда ҳаёти қадрини янада чуқурроқ ҳис этасан киши.

Тобора фаровонлашиб бораётган ҳаётимиз ҳам айнан ана шу осойишталик туфайлидир. Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорлик дунёда ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Мамлакатимиз келажагига ишонч билан қараётган давлатлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Мамлакатимизда кенг нишонланган 9 май — Хотира ва қадрлаш кунида Президентимизнинг журналистлар билан бўлган суҳбатида ҳозирги дориломон кунларни қадрлаш, тинчликни асраш, тинчлик учун курашиш зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

Айтиш лозимки, давлатимиз раҳбарининг фикр-мулоҳазалари ҳар бир инсонни юртимиздаги осуда ҳаёт бардавомлигини таъминлаш учун ҳушёрликка, халқаро майдондаги вазиятни тўғри баҳолаб, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан сезгир муносабатда бўлишга ундайди. Президентимизнинг ушбу суҳбатдаги, айниқса, халқимизнинг тинчлиги ва омонлигини асрашга қаратилган фикрлари юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг юрагидан жой олди, десам тўғри бўлади.

Дарҳақиқат, халқимиз фақат тинчлик, омонлик истайди. Биз, депутатлар яқинда Қорақалпоғистонда уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари хонадонларида бўлиб, суҳбатлашганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани «Дўстлик» маҳалласида яшовчи, 94 ёшни қаршилаган Ражаб бобо Қозоқов билан суҳбатимизда у юртимиздаги ўзгаришлардан мамнунлигини билдириб, буларнинг барчаси тинчлик шарофатидан эканини айтди.

Амударё тумани «Назархон» қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Жумабой ота Бийсенбаев эса мамлакатимиздаги тинчлик ва фаровонлик туфайли ёшларимиз ўзи хоҳлаган соҳада ўқиб, касб эгаллаб, нималарга қодир эканини намоён қилишаётганини тўлқинланиб гапирди.

Биргина бизнинг Қорақалпоғистонимиз мисолида айтадиган бўлсам, қаранг, қанча ёшлар дунёга чиқиб, санъат дейсизми, спорт дейсизми, илм дейсизми, ҳеч кимга йўл бермаяпти, дейди у.

Бу нафақат Жумабой отанинг, балки юртимиздаги барча кексаларнинг фикри.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда халқимизнинг шундай осуда ва фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий асослар ҳам яратилган. Минтақада ва дунёда тинчлик ва барқарорликка эришишга қаратилган халқаро ҳуқуқ нормалари давлатимиз томонидан изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда. Президентимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган суҳбатда бундай таҳликали вазиятда бизнинг ёндашувимиз ва қарашларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, халқаро ҳуқуқий нормаларда белгилаб, мустаҳкамлаб қўйилган асосий принципларни сўзсиз бажаришдир, зўравонликка, куч ишлатишга йўл қўймасликдир, деб таъкидлади.

Юзага келадиган қарама-қаршиликларни, низоларни фақат сиёсий йўл, тинч воситалар билан ҳал этиш лозимлигига, давлатларнинг сиёсий суверенитети ва чегаралари дахлсизлигининг бузилишига йўл қўймаслик зарурлигига қатъий эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбарининг Хотира майдонида билдирган чуқур ҳаётий мушоҳадалари ўз навбатида ҳар бир кишини Ватанни кўз қорачиғидек асрашга, унинг ёрқин келажаги, тинчлиги ва иқболи учун фидойилик кўрсатишга ундайди.

Назира МАТЁҚУБОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Давоми 2-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Депутатлар сайлов округларида

ишлашга тайёргарлик кўрмоқда

www.uzbekistonovozi.uz

МЕН НЕГА ЎзХДПни ТАНЛАДИМ?

«Ҳайдовчи бўлиб ишлайман. Ёшлигимдан сиёсий жараёнларга қизиқишим бор. Шу боис юртимизда бўлаётган ўзгариш ва янгиланишларни мунтазам кузатиб бораман, уларнинг мақсад-моҳиятини тушунишга ҳаракат қиламан. Ана шу жараёнларда қатнашиш мақсадида партияга аъзо бўлиш фикри туғилди ва мамлакатимизда фаолият юритаётган 4 та сиёсий партиянинг фаолияти, дастурий мақсадлари билан танишиб чиқдим.

«Партияга аъзо бўлдим,

бу катта масъулият дегани...»

Қарашларим аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қатламмаи манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилиб, бу йўлда амалий ишлар қилаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ғояларига мос келгани учун унга аъзо бўлиш фикри туғилди...»

Бу Урганч шаҳридаги «Бунёд йўловчи ташиш» МЧЖда ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган Ўктам Қўчқоровнинг сўзларидир. У «Исузи» русумли автобусда йўловчиларга хизмат кўрсатади. Энг муҳими, ўз ишидан мамнун ва кўнгли тўқ. Ўз юртимда, ўз шаҳримда одамларга фойдам тегсин, деб куйиб, ёниб яшайди.

Партия Урганч шаҳар кенгаши раиси Камолбек Жуманиёзов Ўктамбой билан узоқ суҳбатлашди. Оддий ҳайдовчининг фикрлари унга жуда маъқул келди.

— Шаҳарда йўловчи ташиш тизими замонавийлашиб бораяпти, — деди у. — Олдинлар «Дамас» русумли машиналар тартибсиз равишда йўловчи таширди. Сўнгги йилларда бу масалага жиддий эътибор берилиб, тартиб ўрнатилди. Одамлар бундан хурсанд. Аҳоли мактаб ўқувчиларига имтиёзли хизмат кўрсатаётганимиздан жуда миннатдор. Аммо ҳамон ноқонуний тарзда киракашлик қилаётган ҳайдовчилар топилади. Уларнинг фаолиятини ҳам қонуний асосда йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман. Бу, аввало, ҳайдовчиларнинг ўзига фойда бўлади. Энг муҳими, йўловчиларга янада қулайликлар яратилади. Транспорт хизмати хавфсизлигини таъминлайди.

Яқинда Ўктамбойга партияга аъзолик гувоҳномаси топширилди. Унга партия фаоллари иштирокида ташкил этилган йиғилишда сўз берилди.

— Сиёсий партияга аъзо бўлиш — бу жуда катта масъулият, — деди у. — Ҳар бир аъзо унинг фаолиятида ўз таклифлари билан иштирок этиши керак.

Урганч шаҳрида ЎзХДПнинг 3363 нафар аъзоси бор эди. Ўктамбой Қўчқоров бу рўйхатни тўлдирди. Ана шундай фидойи аъзоларимиз кўпайса, партия сиёсий куч сифатида ўзини тўла намоён эта олади.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасидаги навбатдаги тадбир Қарши туманидаги «Мирмирон» маҳалласида ўтказилди.

Бу ҳақда газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида батафсил танишасиз.

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар ҳақидаги бундай илиқ гапларидан, тўғриси, ҳар биримиз, ўзини Ўзбекистоннинг фарзанди, деб ҳисоблаган барча ёшлар чин кўнгилдан ғурурланади, фахрланади

Юксак ишончни шараф билан оқлаш

биздан тинимсиз изланиш, интилишни талаб этади

МУНОСАБАТ

Қачон бўлмасин, Президентимизнинг сўзларини тинглаб, ўзимга кўп хулосалар чиқариб оламан, иш режамга қўшимчалар киритаман. Бу фикрлар замирида қандай маъно-мақсад ётганини тенгдошларим ўртасида кенг тарғиб этишга ҳаракат қиламан.

9 май — Хотира ва қадрлаш кунида Президентимиз Ислом Каримовнинг Оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида билдирилган фикрларни тинглаб, аввало, икки масала юрагимда муҳрланиб қолди. Биринчидан, уруш жангоҳларида жон берган ота-боболаримиз хотирасини доимо ёдда тутиб, муқаддас билиб, уларга муносиб фарзанд бўлиш кераклигини яна бир бор чуқурроқ ҳис этдим. Бугун биз билан ёнма-ён яшаб келаётган уруш қатнашчилари ва фронт ортида мардонавор меҳнат қилган кексаларимизга ҳар куни иззат-ҳурмат, ғамхўрлик кўрсатиш зарурлигини англадим.

Иккинчидан, давлатимиз раҳбарининг биз ёшлар ҳақида айтган гаплари, билдирган юксак ишончлари мени қаттиқ ҳаяжонга солди ва қувонтирди. Президентимиз бугунги ёшларнинг кийиниш маданияти, ҳатто, галстукни замонавий қилиб боғлашини қувониб, ҳавас қилиб гапирди. Шунингдек, ўзбек қизлари кийинишда ҳам, ақл-идрок ва маданиятда ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигини ғурурланиб таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ёшлар ҳақидаги бундай илиқ гапларидан, тўғриси, ҳар биримиз, ўзини Ўзбекистоннинг чин фарзанди, деб ҳисоблаган ёшлар ғурурланади, фахрланади. Бу сўзлар ўзимизга бўлган ишончни оширади, бизни янги юксак марраларга чорлайди.

Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларига эътибор қаратайлик. «...ёшларимиз, фарзандларимизнинг ёниб турган кўзлари, ғайрат-шижоати, билимга интилиши, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ҳаракатини ёруғ келажагимизнинг, эзгу мақсадларимизга эришишнинг асосий омили ва гарови сифатида кўрамиз». Бу гапларни давлатимиз раҳбарининг биз ёшларга юксак ишонч ва мехрининг ифодаси, деб биламиз. Бундан ифтихор қиламиз ва албатта, бу юксак ишонч зиммамизга катта масъулият юклаётганини ҳам чуқур англаб турибмиз.

Президентимиз яна бир мисолни фахрланиб келтирди. Яқинда Қорақалпоғистонга борганида, Жанубий Кореядан келиб Сурғул газкимё комплексида ишлаётган, кўп мамлакатларда бўлган мутахассисларнинг ўзбек ёшларининг салоҳияти ҳақида билдирган фикрларини ўзгача ифтихор билан таъкидлаганда, очиғи, ёшларнинг бир вакили сифатида ғурурландим, катта масъулият ҳиссини туйдим. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг «Ҳақиқатан ҳам, бундай ёшларимизни, эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи, давомчиси бўлган, тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фарзандларимизни кўриб, уларнинг чеҳрасига боқиб, олдимизда турган барчабарча юксак марраларни эгаллаймиз, эзгу мақсадларимизга эришамиз, ўз муродимизга етамиз, деган ишончимиз янада мустаҳкамланади», деган сўзлари бизга янада куч-қувват бағишлайди.

> **Биз ёшлар жамиятнинг ҳал қилувчи кучи сифатида буюк ишларда халқимизга, Ватанга қанот бўлмоғимиз керак.**

Давлатимиз раҳбарининг фикрлари партиямиз «Истиқбол» ёшлар қаноти зиммасига ҳам катта вазифалар қўяди, албатта. Хусусан, ёшлар онги ва қалбида меҳр-оқибат, аждодлар хотирасига ҳурмат туйғуларини янада мустаҳкамлаш, мустақиллик ғояларига содиқлик фазилатларини ривожлантириш, тинчлик буюк неъмат эканлигини англашга хизмат қиладиган янги лойиҳалар устида изланишимиз зарур.

Таъкидлаш жоизки, партиямиз тизимида бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ёшларимиз шижоати, фуқаролик позицияси ва сиёсий кўникмаларини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, мазкур танлов фуқаролик жамияти ривожланишида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш ва уларда жамиятимизда кечаётган туб ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Биз ана шундай тадбирларимизни сифат жиҳатдан янада юксалтиришга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Истиқбол» ёшлар қаноти ўз атрофига 111 мингдан ортиқ йигит-қизни бирлаштирган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос истеъдод ва иқтидор эгасидир. Олдимизда турган вазифаларни амалга оширишда уларнинг куч ва имкониятларидан самарали фойдаланишимиз зарур. Шундагина Юртбошимиз билдираётган юксак ишончни шараф билан оқлаган бўламиз.

Шоҳруҳмирзо АБДУРАҲМОНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти маркази раҳбари.

Марказий сайлов комиссиясида

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларини татбиқ этиш бунга кўп жиҳатдан имкон берди.

Концепция доирасида сайлов қонунчилигига сайлов ҳуқуқи эркинлиги принципининг тўлиқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизимининг янада демократлашувига, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш борасида тенг шарт-шароитлар яратиш самарадорлигини оширишга, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг очиқлиги ва шаффофлиги принципларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов мобайнида шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Концепция қоидаларини ривожлантирган ҳолда, 2014 йилнинг апрель ойида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолиятини янада демократлаштириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлмиш партиялараро рақобатни кучайтиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқорида зикр этилган қонунга мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни давлат ҳокимиятининг бошқа қайсидир органлари аралашувисиз таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилди, унинг фаолият кўрсатиш механизми, фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлган асосий принциплари белгиланди. Буларнинг барчаси сайловларнинг демократлилигини, очиқлиги ва ошкоралигини, қонунийлигини ҳар томонлама таъминлашнинг энг муҳим кафолатига айланди.

Муҳокама давомида таъкидланганидек, дастурда сайлов компаниясининг барча босқичларида шаффофлик, ошкоралик, очиқликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини ташкил қилиш ишларини қонунчиликка мувофиқ тарзда амалга ошириш назарда тутилган.

Дастур сайлов қонунчилиги қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш бўйича ахборот-таҳлил ишларини самарали ташкил этиш учун шарт-шароитларни таъминлаш, миллий сайлов тизимини янада демократлаштиришнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича халқаро, республика ва минтақавий тадбирлар ўтказишни назарда тутади.

Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини, мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ана шу дастурларда ўз ифодасини топган позицияларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилади.

Мажлис иштирокчилари тадбирлар дастури сиёсий партияларнинг давлат органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши ва эркин рақобатлашиши, фуқароларнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминлашини алоҳида таъкидладилар.

Мажлисда муҳокама натижалари бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎзА

Давоми. Боши 1-бетда.

Юртимиз тинчлиги абадий бўлсин!

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Президентимизнинг ОАВ ходимлари билан бўлиб ўтган суҳбатини телевидение орқали эшитиб, кўнглимдан шундай ўйлар ўтди.

Бизнинг болалигимиз уруш йилларига тўғри келган. Гуваладан тикланган уй, бир кўрпанинг тагида уч-тўрт оч-наҳор бола ётардик. Қорин оч, нон йўқ. Лекин колхозда ишлашга мажбур эдик. Буларни хотирадан ўчириш қийин.

Яқинда бозорга бориб, нон растаси ёнидан ўтар эканман, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Ёпилган нонларни бир бошдан санадим, 42 хил... Оппоқ ширмой нонлар, кўзингга суртгинг келади, кўнгилда шукроналик жўш уради. Бир зум ўша жойдан кетгим келмади. Уруш йиллари кўз олдимдан ўта бошлади. Ўшанда бир бурда қора нонга ҳам зор эдик.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида 399 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилмоқда. Жамғарма ҳамда мутасаддди ташкилотлар томонидан уларнинг ҳар бирига тиббий хизмат кўрсатилиши назоратга олинган. Президентимиз фармони билан уларга моддий ва маънавий рағбат кўрсатилиб келинмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари учун қанчалаб имтиёзлар яратилган. Бу ёруғ кунлар, эътибор ва ғамхўрликлар замирида ҳам аввало тинчлик ётганини яхши тушунамиз.

Президентимизнинг ОАВ ходимлари билан бўлган суҳбатининг мазмун-моҳиятини фарғоналик ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга киришдик.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида яна бир бор тинчликни асраш учун бизни бир тан, бир жон бўлишга даъват этди. Ўз ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб айтай, бошимиздан ўтказганмиз, нотинчлик, тўс-тўполон нималарга олиб келишини. Тинчлик саодатини билмоқчи бўлган одам бугун Фарғонага келсин, бунёдкорликларни кўрсин дейман. Агар тинчлик-осойишталигимиз бўлмаса, бу тарихий ўзгаришлар, бугунги ободлик, фаровонлик бўлармиди?!

Ўқишга, ишга эмин-эркин бориб келаётган фарзандларимизни кўриб, Яратганга шукр қиламан. Ўзим ҳам 4 фарзанднинг отаси, 7 набирани бобосиман. Уларнинг бахтли яшаётгани бизнинг бахтимиздир.

Ўйлаб туриб, шундай хулосага келаман. Биз депутатлар, партия фаоллари ҳар бир оилага, маҳаллага эътиборли бўлсак, ёшларимизга мустақиллик, тинчлик бебаҳо неъмат эканини кўпроқ тушунтирсак, Президентимиз айтган хайрли ишларга ҳисса қўшган бўламиз.

Топволди ХОЛДОРОВ,
«Нуроний» жамғармаси Фарғона вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

ЎзХДП ҲАЁТИ

Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

Электорат манфаатини ҳимоя қилиш учун

мавжуд имкониятларни ишга солиб, ташаббус кўрсатиб ишлаш керак

— Жорий йилда аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаати билан боғлиқ масалаларда мониторинг ўтказиш амалиётини такомиллаштириш зарур, — деди В.Воргудяев. — Бунда, албатта, бошланғич партия ташкилотларимиз ва туманимиз ҳудудидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган депутатларнинг куч ва имкониятларига таянамиз.

— Партиямизнинг дастурий мақсадларини амалга оширишда биз ҳам фаол иштирок этамиз, — деди **«Истиқбол» ёшлар қаноти туман бўлими етакчиси Фарҳод Илҳомов.** — Бугун туманда ЎзХДПнинг 3600 нафардан ортиқ аъзоси бўлса, шундан 1700 нафарга яқини 30 ёшгача бўлган тенгдошларимиздир. Улар орасида партия фаолиятида бевосита иштирок этишга қизиқиши баланд ёш фаоллар жуда кўп. Партиянинг ижтимоий-сиёсий тадбирлари, депутатларнинг ўз сайлов округида олиб бораётган фаолиятига уларни кенг жалб этсак, партия етакчилиги ва депутатликка муносиб ёшларни танлаш имконияти кенгаяди.

— 170 та бошланғич партия ташкилоти, бу ҳақиқатан ҳам жуда катта куч, — деди **«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК «Ўзтемирйўлҳисоб» маркази Тошкент филиали бошлиғи ўринбосари, БПТ етакчиси Улуғбек Каримов.** — Агар барча етакчилар бирлашиб ҳаракат қилсак, турли ижтимоий муаммоларни чуқур ўрганишимиз, уларнинг ечимлари бўйича асосли, ҳаётий таклифлар ишлаб чиқишимиз мумкин. Ахир орамизда ҳар хил соҳанинг мутахассислари бор. Фақатгина туман партия кенгаши турли йўналишлар бўйича гуруҳлар тузиб, фаолиятимизни тўғри ташкил этса, ҳақиқатан ҳам амалий жиҳатдан катта кучга айланамиз.

— Бугун нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки, ёшларимиз ҳаётига таҳдид солаётган мафкуравий масалалар юзасидан ҳам фаолиятимизни янги босқичга олиб чиқиш талаб этилмоқда, — деди **Академик рус драма театри режиссёри, БПТ етакчиси Юрий Фисан.** — Сиёсий куч сифатида бугун мамлакат ёшларини ғоявий-мафкуравий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашга биз ҳам масъулмиз. Шунинг учун мен юқорида билдирилган барча таклифларни қўллаб-қувватлаб, ёшлар сиёсати масаласида ҳам ишларимизни такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайман.

— Мамлакатимизда сиёсий партиялар, уларнинг депутатлик корпусига йилдан-йилга янги ҳуқуқлар, ваколатлар бериляпти, — деди **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова.** — Демак, партиямизга ишонган, қўллаб-қувватлаган кишилар биздан шунга муносиб амалий ҳаракат, ҳаётий ташаббусларни кутади. Ўтган йилги фаолиятимизни танқидий баҳолаб, ўзимизда мавжуд куч ва имкониятлардан тўғри фойдаланиб ҳаракат қилсак, дастурий мақсадларимиз тўлиқ рўёбга чиқишига, албатта, эришамиз.

Пленумда партия фаолиятини кучайтириш, бошланғич ташкилотлар имкониятларидан самарали фойдаланиш, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳига муҳокама этиш, доимий комиссиялар йиғилишлари ва сессиялар кун тартибига олиб чиқиш учун турли масалаларда таклифлар бериб туришни изчил йўлга қўйиш борасида кўплаб фикрлар билдирилди. Уларнинг барчаси ҳисобга олиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бекзод ШУКУРОВ

Давоми. Боши 1-бетда.

ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Муаммолар ҳал қилиняпти

Мирзоҳид Жўраев олий ўқув юртини битириб, мутахассислиги асосида иш топиш масаласида муаммога дуч келди. Олмазор туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси ҳақида эшитгач, бу ерга мурожаат қилди. Депутатлар ташаббуси билан у «Олимпия гузари» МЧЖда ишга жойлашди.

— Мен ёлғиз фарзандман, — дейди **Мирзоҳид Жўраев.** — Оиламнинг оғирини енгил қилиш, фаровон ҳаётини таъминлаш учун ҳаракат қилишим керак. Жамоатчилик қабулхонасида мени яхши кутиб олишди ва мутахассислигим билан танишиб чиқишди. Бироз вақт ўтгандан сўнг ўзим яшайдиган ҳудудга яқин жойдан бир нечта бўш иш ўринлари ҳақида маълумот беришди ва уларнинг кўмаги билан мутахассислигимга мос ишга жойлашдим. Бу билан партияга ишончим ортди ва ЎзХДПга аъзо бўлдим.

— Ўтган йили коллежни тамомладим, — дейди **Фаёзиддин Жамолиддинов.** — Олий ўқув юртига кира олмадим ва оиламга моддий жиҳатдан ёрдам бериш учун ишга жойлашишга ҳаракат қилдим. Бироқ бу борада турли қийинчиликлар, қатор муаммоларга дуч келдим. ЎзХДП Олмазор туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига ана шу масала бўйича мурожаат қилган эдим. Уларнинг ёрдами билан «Bekas-food» нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасига ишга жойлашдим.

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

> **! Мурожаатларни қабул қилишда аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида туманнинг турли ҳудудларидаги 6 та маҳаллада мунтазам равишда Кўчма жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилмоқда.**

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, 106-заиф эшитувчи болалар учун махсус мактаб интернатига қарашли транспорт воситаларини таъмирлаш, тумандаги 1-Мурувват уйида «Эртаклар майдончаси»ни барпо этиш, спорт инвентарлари билан таъминлаш ишлари Жамоатчилик қабулхонасига бўлган мурожаатлар орқали туман партия кенгаши ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига Олмазор туманидан сайланган партиямиз депутатлари саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар Давлат автоинспекциясига депутатлик сўрови билан чиқилиб, «Мискин» маҳалласидаги Аҳмад Дониш кўчаси чорраҳасида 4 та светофор ўрнатилди. Шу билан бирга, масъул идораларга мурожаат этиш йўли билан «Мискин», «Навбаҳор», «Тараққиёт», «Бўстон» маҳаллаларидаги кўча ёритиш мосламалари тузатилди. Ҳозирда «Бўстон» маҳалласида яшовчи кексалар ўз пенсиясини яқинроқ масофадаги почта бўлимидан олиши борасидаги масала кўриб чиқилмоқда.

Энг муҳими, ҳар бир мурожаат ортида инсон манфаати бор, уни ҳал қилиш эса партия фаолларининг асосий вазифасига айланган. Туман партия кенгаши раиси Камолиддин Акрамовнинг қайд этишича, мурожаатларни қабул қилишда аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида туманнинг турли ҳудудларидаги 6 та маҳаллада мунтазам равишда Кўчма жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилмоқда. Шунингдек, мурожаатлар бўйича доимий таҳлил олиб бориш, шу асосда бир-бирига ўхшаш ва кўп учраётган масалаларни депутатлар ваколатлари доирасида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссиялари, сессиялари муҳокамасига киритиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди. Бу электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни комплекс равишда ҳал қилишда долзарб аҳамиятга эга.

Наргиза ҲУСАНОВА

ҚОНУН ВА ШАРҲ

Ахборот хизматлари фаолиятининг

қонуний асослари мустаҳкамланди

Қонуннинг 10-моддаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматига бағишланган. Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тайёрлаш ҳамда тарқатиш вазифаларини бажарувчи, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминловчи таркибий бўлинмаси ёхуд ушбу вазифаларни бажариш зиммасига юклатилган шахс давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматидир, деб белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш керакки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолияти ҳақида ахборот тарқатиш, жамоатчиликка етказишдан манфаатдор. Тажриба кўрсатяптики, улар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, зарур ахборотларни қонун билан тақиқланмаган турли шаклларда тарқатишда ахборот хизматларининг ўрни беқиёс.

Мисол учун, бугун мен меҳнат қилаётган ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида ҳам кўплаб самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларни ўзлари танлаган касб-ҳунар, соҳа бўйича етук мутахассис қилиб етиштириш, иш билан таъминлаш, уларнинг истеъдод ва иқтидорини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ёки соҳа ютуқларини оммалаштириш йўлида олиб борилаётган ишлардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо булардан кўп ҳолларда фақат маълум бир доирадаги кишиларгина чуқурроқ хабардор бўлар эди. Энди бўлса, бундай ислоҳотларни кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказиб беришнинг замонавий механизмлари яратилди.

Қонун асосида вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасида ҳам ахборот хизмати ташкил этилади. У орқали биз фаолиятимизни кенг жамоатчиликка, отаоналарга, халқимизга атрофлича етказиш имкониятига эга бўламиз. Ахборот хизмати орқали тақдим этилаётган маълумотлардан нафақат жамоатчилик, балки оммавий ахборот воситалари ҳам фойдаланиши, муносабат билдириши ва тарқатиши мумкин бўлади.

Чунки, ахборот хизмати оммавий тадбирларни ташкил этиш, ахборот хабарларини (пресс-релизлар, бюллетенлар ва ҳоказоларни) тарқатиш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаб бориш йўли билан давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чора-тадбирларини кўради.

> **Веб саҳифа орқали ҳар қандай ахборотни нафақат юртимиз бўйлаб, балки бутун жаҳонга кенг тарқатиш имконияти юзага келади.**

Эндиликда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, шу жумладан, бизнинг вилоят касб-ҳунар таълими бошқармасида ҳам расмий веб-сайт ташкил этиш қонун талабига айланди. Бугун ахборот-коммуникация воситалари ривожланиб бораётган экан, албатта, улардан самарали фойдаланиш лозим. Табиийки, расмий веб-сайт ахборот тарқатиш, жамоатчилик билан мулоқот ўрнатиш, эълон қилинган ҳар бир материалга фойдаланувчи ўз муносабатини билдириши мумкин бўлган энг тезкор, энг қулай ва ишончли воситага айланиб бормоқда. Муҳими, ҳар бир фуқаро уларда жойлаштириладиган маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Янада соддароқ айтганда, веб саҳифа орқали ҳар қандай ахборотни нафақат юртимиз бўйлаб, балки бутун жаҳонга кенг тарқатиш имконияти юзага келади.

Қисқа қилиб айтганда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда ахборот хизматлари муҳим институтга айланади.

Азимжон ИСМОИЛОВ,
Олтиариқ нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи директори, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

Давоми. Боши 1-бетда.

Банк кредитларидаги янги имтиёзлар

АНЖУМАН

Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда жорий йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартибларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда ишбилармонликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Республика Марказий банки томонидан тижорат банклари раҳбарлари, 1200дан ортиқ тадбиркор иштирокида ташкил этилган тадбир ушбу ҳужжатлар талаблари ижросига бағишланди. Анжуманда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбоева ва бошқа тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда сўнгги йилларда мамлакатимизда ишчанлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, бизнес юритишнинг жаҳон амалиётида қабул қилинган баҳолаш мезонларини жорий этишдек устувор ишларга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу жараёнда Ўзбекистон банк тизими ҳам юқори даражадаги қулай инвестицион иқлимни юзага келтириш, кредит ташкилотлари шаффофлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти шартларини соддалаштириш, янги иш ўринлари яратиш орқали фаол иштирок этиб келмоқда. Яъни, малакали мутахассислар маҳаллий ҳокимият ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда жойларда тадбиркорлар ҳамда кенг жамоатчилик билан туркум учрашувлар ташкил этиб, банк тизимидаги энг сўнгги эркинлаштириш чораларини батафсил шарҳлаб бермоқда.

> *Қарз олувчилар банкка кредит аризаси билан банк ҳисоб-рақамидаги пул маблағлари оқими кўрсатилган ҳолда бизнес режаларини нафақат қоғозда, балки электрон шаклда топширишлари мумкин.*

Ана шундай эркинлаштириш чораларидан бири бу кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг янги тартиби бўлиб, унда бизнес тузилмаларни қўшимча рағбатлантириш ва имтиёзлар бериш вазифалари белгилаб қўйилган. Ушбу янги тартибга мувофиқ, кредитлаш объектлари — микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари сафига оилавий корхона ҳамда хусусий тадбиркорлар ҳам қўшилди.

Шунингдек, кредит ажратиш ва уни қоплаш муддатлари ўзгарди. Илгари инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун кредитлар узайтириш ҳуқуқисиз беш йил муддатга берилган бўлса, эндиликда унинг муддати Банк кенгаши томонидан белгиланадиган бўлди. Бундан ташқари, агар айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар бир йилгача ажратилган бўлса, эндиликда бундай маблағларни бериш муддати бир ярим йилгача узайтирилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун айланма маблағларни тўлдиришга ажратилган кредитларни қоплаш муддати эса 24 ойгача чўзилди.

Авваллари тижорат банклари томонидан фақат инвестиция мақсадлари учун берилган кредитлар бўйича имтиёзли давр белгиланар эди. Эндиликда барча кредитлар бўйича имтиёзли даврни белгилаш ҳуқуқи тижорат банклари томонидан ўрнатилади. Қолаверса, кредит олиб фойдаланувчиларга кредитни расмийлаштириш жараёнлари ҳам максимал даражада соддалаштирилди ва оптималлаштирилди. Эндиликда қарз олувчилар банкка кредит аризаси билан банк ҳисоб-рақамидаги пул маблағлари оқими кўрсатилган ҳолда бизнес режаларини нафақат қоғозда, балки электрон шаклда топширишлари мумкин.

Тақдим этиладиган зарур ҳужжатлар тўпламига сўнгги ҳисобот давридаги бухгалтерия баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот, 90 кун ва ундан ошиқ муддатдаги қарздорликлар бўйича таққослама акт, шунингдек, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар киритилди. Авваллари бундай ҳужжатларни фақат деҳқон хўжаликлари тақдим этмасди, эндиликда бундай енгиллик янги ташкил топган юридик шахсларга, якка тартибдаги тадбиркорларга ва юридик шахс бўлмасдан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликларига ҳам тааллуқлидир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ, молиявий ҳисоботларни тақдим этмаслик ва улар кўрсатилган манзилда йўқлиги ҳолатларида тижорат банкларидаги ҳисоб-варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш фақат суднинг тегишли қарори асосида амалга оширилади.

Шунингдек, тадбирда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш мақсадида тижорат банклари аҳоли ва мижозлар билан ҳамкорлик қилишнинг электрон шаклларини жорий этиш, Ягона давлат интерактив хизматлари порталида «тадбиркорлик субъектининг кабинети» орқали интерактив хизматлар кўрсатиш чоралари кўрилаётгани хусусида иштирокчиларга атрофлича маълумот берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Саволлар кўп

жавоб эса...

Жорий йилнинг 8 мартида 227 нафар йўловчи ва 12 нафар экипаж билан Куала-Лумпурдан Пекинга парвоз қилган «Boeing 777-200» самолёти радар экранларидан ғойиб бўлиб, дом-дараксиз йўқолганлигидан дунё аҳолиси яхши хабардор.

Айни пайтда сирли равишда ғойиб бўлган самолёт йўловчиларидан кимдир тириклигига ҳеч қандай умид қолмаган бўлса-да, қидирув давом эттирилмоқда. Мақсад: фожиа сабабларини аниқлаш ва келгусида бундай хатоларга йўл қўймасликдир.

Бироқ бугунги кунда қидирув экспертлари олдида кўпгина саволлар кўндаланг бўлмоқда. Жумладан, ҳалокатга учраган лайнер радиомаёғи нега ишламагани қидирув экспертларини ўйлантираётган масалалардан биридир.

Аслида самолёт бирор нарсага қаттиқ урилса, 50 сониядан сўнг радиомаёқ автоматик равишда ишга тушиши ва ҳалокат ҳақида сунъий йўлдошга хабар йўллаши лозим эди.

Ёки яна бир савол мутахассисларни ўйлантирмоқда: ҳар қандай самолёт океанга қулагач, сув юзида «мойли» ҳудуд пайдо бўлади. Бироқ Малайзиянинг «Боинг»ида бундай ҳолат кузатилмаган.

Қидирув экспертлари бу каби саволларга жавоб олиш мақсадида «Боинг» компаниясига мурожаат этганига анча бўлди, бироқ қониқарли жавоб йўқ.

117-элемент



сифатида қайд этилиши мумкин

Яқинда немис олимларининг «унунсептий» деб номланган янги элемент ҳақида маълумот берувчи мақоласи «Physical Review Letters» илмий журналида эълон қилинди.

Унда баён этилишича, мазкур янги элемент Менделеев элементлар даврий жадвалининг 117-элементи сифатида мазкур жадвалга киритилиши мумкин.

Аслида «унунсептий» илк бор 2010 йилда реакциялар ёрдамида олинган. Эндиликда эса олимлар 4 та бутун атом яратишга муваффақ бўлдилар ва бу атомлар 10 сониягача ҳолатини сақлаб турди. Бу эса улар мавжудлигини қайд этиш учун етарлидир.

Тажрибалар жараёнида тадқиқотчилар янги изотоп бўлмиш 103-элемент — лоуренсийни ҳам қайд этди.

Янги элементни Менделеев элементлар даврий жадвалига киритиш масаласини Назарий ва амалий кимё ҳамда назарий ва амалий физика халқаро уюшмасининг ишчи гуруҳи кўриб чиқади. Улар бир неча йил давомида тажрибалар натижаларини таҳлил қилгач, бир қарорга келади.

Эслатиб ўтамиз: Менделеев элементлар даврий жадвали охирги марта 2011 йили 114- ва 116-элементлар — флеровий ва ливерморий янги элементлари билан бойитилган. Бу элементларни жадвалга киритиш жараёни 3 йил вақт олган эди.

БАНДЛИК

Дастур ижроси

таъминланмоқда

Самарқандда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ жорий йилнинг биринчи чорагида 19,5 мингта иш ўрни яратилиши белгиланиб, амалда бу кўрсаткич 103,3 фоизга бажарилди ва 20 минг 127 иш жойи ташкил этилди.

Дастур ижросининг барча бандларини амалга ошириш учун иккинчи чоракда кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ва ривожлантириш йўналишида 9,2 мингта иш ўрни яратилиши зарур.

Вилоят матбуот уйида бўлиб ўтган анжуманда Вилоят ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Беҳзод Раҳматуллаев бу ҳақда батафсил тўхталди.

Тадбирда бандлик дастури ижросини таъминлаш мақсадида истиқболдаги режалар ҳақида ҳам сўз борди. Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича ҳам маълумот берилди.

Абдували ХУДОЁРОВ

РЕКЛАМА

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган
ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Очиқ аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «Тўқимачи» массиви ҳудудидаги «MIRISHKOR ZAR NIGOR» фермер хўжалигидан туман захира ерлари хисобига олинган жами 4,57 гектардаги 3,52 гектар ер майдонида жойлашган боғзор қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 6 642 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 12 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, «Республика биржа маркази биноси»да бўлиб ўтади. Ушбу кунда сотилмай қолган боғзорнинг такрорий савдоси 2014 йил 27 июнь соат 11:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Tashkent Realtor Service» МЧЖнинг «Ипак йўли банк» ОАИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 2020 8000 8048 7649 6001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

— аукционда иштирок этиш учун икки нусхадаги буюртманома; — закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунларида соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдо белгиланган кундан 1 (бир) кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни ***realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами*** орқали олиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган, RR — №0008.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси капитал қурилиш бошқармаси

реконструкция қилиниши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
1.	Самарқанд вилояти, Ургут туманидаги «Чор-чинор» болалар соғломлаштириш оромгоҳини реконструкция қилиш	8 041 139 564 сўм	9 649 367 477 сўм	24 ой

Қурилиш ишлари Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси капитал қурилиш бошқармаси.

Манзили: Тошкент шаҳри, Мўйноқ 4-тор кўчаси, 15 «а», ***телефон:*** (8371) 298-68-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларга қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2Д-корпус, 403-хона.
Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносида соат 10-00 да ўтказилади.

Мусобақалар чинакам спорт байрамига айланади ва барча иштирокчилар Наманганга яна бир бор келиш истаги билан хайрлашади

Чинакам спорт байрами бўлади

Наманган шаҳрида «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари республика финал босқичига тайёргарлик ишлари якунига етмоқда. Нуфузли спорт байрами дастурида маданий-маърифий тадбирларга ҳам катта ўрин ажратилган.

Бу борада режалаштирилган ишлар хусусида вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар вилоят илмий-услубият марказининг маданий-маърифий ишлар бўлими мудири, «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларида маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи вакили Абдурашид Мадалиевга айрим саволлар билан мурожаат этдик.

— Тобора нуфузи ортиб бораётган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида маданий-маърифий тадбирлар спорт байрами кўркини янада ошираяпти. Бу борада Наманганда қандай режалар тузилган?

— Бундай нуфузли спорт мусобақаси дастуридаги бадиий қисмлар, ҳеч шубҳасиз, унга ҳақиқий байрам руҳини бағишлайди. «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари бош режиссёри — Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Рустам Шамсиддинов раҳбарлигидаги республика ижодий гуруҳлари билан ҳамкорликда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Аввало, мусобақа иштирокчиларининг бўш вақтларида маданий дам олишларини ташкил этиш дастури тайёрланди. Ёш спортчиларнинг Намангандаги олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари турар-жойларига жойлаштирилишини инобатга олиб, ушбу таълим даргоҳлари ҳовлисида саҳналар барпо этилди. Оқшомги соатларда «Баркамол авлод — келажак пойдевори», «Биз буюк юрт фарзандларимиз», «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» шиорлари остида концертлар, ижодий учрашувлар, мушоиралар ташкил қиламиз. Шунингдек, талабалар турар-жойларидаги «Маънавият ва маърифат» хоналарида «Мустақиллик арафасида ёхуд шўроларнинг сўнгги талвасаси», «Шахмат тождори», «Баркамол авлод — келажак таянчи», «Пойга», «Хонадон эгаси», «Бахт уйи», «Сеҳрли қалпоқча» каби 29 та ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойиш этилади.

— Маданий тадбирларга таклиф этиладиган санъаткорлар ҳақида маълумот берсангиз?

— Маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш бўйича учта ижодий гуруҳ тузилган. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан гуруҳлар таркибига Ўзбекистон халқ артистлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, шоир ва ёзувчилар, «Зулфия» мукофоти лауреатлари, киноактёрлар, таниқли хонандалар, эстрада гуруҳлари, машҳур спортчилар киритилган. Улар қаторида Наманган вилоятининг таниқли санъаткорлари ва спортчилари ҳам бор. «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари шукуҳини кенг ёйиш мақсадида туманлар марказларида ҳам маданий тадбирлар ташкил этилади. Ижодий гуруҳлар томонидан Чортоқ, Уйчи, Учқўрғон, Норин, Косонсой, Янгиқўрғон, Чуст, Поп, Тўрақўрғон, Мингбулоқ ва Наманган туманлари марказларидаги амфитеатрлар, стадионлар, маданият ва истироҳат боғларининг ёзги саҳналарида концерт дастурлари ўтказилади.

— Мусобақа иштирокчилари учун вилоят бўйлаб саёҳатлар уюштириш ҳам режалаштирилган, деб эшитдик.

— Дастурда вилоятимизнинг тарихий масканлари, саноат ишлаб-чиқариш корхоналари, музей, театр ҳамда маданият ва истироҳат боғларига ташрифлар уюштириш белгиланган. Бу борада вилоят ҳокимлигининг алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Меҳмонларимизнинг Наманган шаҳридаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғи ҳамда «Камолот» ёшлар боғига ташрифлари давомида вилоятдаги «Ёр-ёр», «Уйчи тароналари» фольклор-этнографик жамоалари, «Қалдирғоч», «Наманган гуллари» ашула ва рақс ансамблари, «Само» вокал чолғу ансамбли, «Истеъдод» гуруҳи иштирокида концерт дастурлари намойиш этилади. Маданият ва истироҳат боғларидаги аттракционлар, музқаймоқлар спортчилар учун бепул бўлади.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Санъаткорлар, тиббиёт ходимлари, транспорт хизмати кўрсатувчи ҳайдовчилар, официантлар, ошпазлар, қўйингки, бу тадбирга масъул бўлган барча-барча махсус тайёргарликдан ўтказилди.

Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида драматург Рихсивой Муҳаммаджонов асари асосида саҳналаштирилган «Йиғлама қиз» спектакли намойиш этилади. Наманган шаҳридаги «Истиқлол» ва «Ифтихор кийим саноат» корхоналарига саёҳатлар уюштирилади. Шунингдек, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ишчи гуруҳи билан биргаликда мусобақалар олдидан вилоятнинг барча туманларидаги чекка қишлоқлар ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқдик.

— Ҳар қандай йирик спорт байрамининг кўрки — унинг очилиш ва ёпилиш маросимларига боғлиқ...

— Спорт мусобақаларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларини тайёрлаш бўйича бош режиссёр раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ томонидан тайёргарлик машғулотлари 18 апрель куни бошланди. Тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларининг «Жонли бадиий фон» қисмига Наманган олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларидан жами 4293 нафар талаба ва ўқувчи саралаб олинди. Наманган шаҳридаги «Ёш куч» ўйингоҳи, «Навбаҳор» захира ўйингоҳи ва «Навбаҳор-Умид» футбол мактаби ўйингоҳида ўтказилаётган машғулотларда рақс ҳаракатлари, турли шакл ва жонли тасвирлар ҳосил қилиш машғулотлари кун сайин сайқалланиб бормоқда. Хореография гуруҳининг машғулотлари эса Наманган санъат коллежида ўтказилаяпти. Бир нарса аниқ — ўйинларнинг очилиш маросими ҳақиқий байрамга мос бўлади.

— Меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиш тадбирлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Наманган шаҳар аэропортида мусобақа иштирокчиларини кутиб олиш ва кузатиш маросимларини тантанали равишда ташкил этиш бўйича алоҳида ишчи гуруҳи тузилган. Биз томонимиздан кутиб олиш ва кузатиш жараёнида санъаткорларнинг иштироки таъминланади. Ҳозир карнай-сурнайчилар, доирачилар, дамли ва торли созлар оркестрлари тайёргарлик олиб бормоқда. Санъаткорлар, тиббиёт ходимлари, транспорт хизмати кўрсатувчи ҳайдовчилар, официантлар, ошпазлар, қўйингки, бу тадбирга масъул бўлган барча-барча махсус тайёргарликдан ўтказилди. Ишонч билан айта оламанки, мусобақалар чинакам спорт байрамига айланади ва барча иштирокчилар Наманганга яна бир бор келиш истаги билан хайрлашади.

Санжарбек ҲАМИДОВ суҳбатлашди.

ДЗЮДО

Полвонларимизнинг муваффақияти

Озарбайжоннинг Боку шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича «Катта дубулға» туркумидаги халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта бронза медални қўлга киритди.

Вазни 60 килограммгача бўлган дзюдочилар беллашувида ҳамюртимиз Шарофиддин Лутфуллаев грузиялик Георги Месаблишвили, мўғулистонлик Херлен Ганболд ва мезбон спортчи Илғор Мушкиевни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

100 килограммгача бўлган вазндаги спортчилар баҳсида икки нафар полвонимиз — Рамзиддин Саидов ва Сойиб Қурбонов бронза медаль соҳиби бўлди.

Б.АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2014 ЙИЛ 13 МАЙДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Евро	3172,77
1 АҚШ доллари	2288,33
1 Россия рубли	65,32
1 Австралия доллари	2142,11
1 Англия фунт стерлинги	3857,21
1 Дания кронаси	421,87
1 БАА дирҳами	623,01
1 Миср фунти	324,82
1 Исландия кронаси	20,23
1 Канада доллари	2100,54
1 Хитой юани	367,18
1 Украина гривнаси	197,37
1 Малайзия рингги	707,69
1 Польша злотийси	753,58
1 СДР	3547,46
1 Туркия лираси	1102,23
1 Швейцария франки	2580,15
10 Жанубий Корея вони	22,33
10 Япония иенаси	224,43

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ХОТИРА — АЗИЗ

Салоҳиятли адабиётшунослик мактаби

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида шу даргоҳда фаолият юритган адабиётшунос олимлар хотирасига бағишланган «Самарқанд адабиётшунослик мактаби ва ўзбек мумтоз адабиётининг долзарб масалалари» мавзусида минтақавий илмий семинар бўлиб ўтди.

Унда профессор-ўқитувчилар, талабалар, ОАВ ходимлари иштирок этди. Тадбирни университет ректори, профессор Улуғбек Ташкенбаев очди ва Самарқанд адабиётшунослик мактаби ўзбек адабиётшунослигида етакчилардан бири сифатида тилга олинишини, бу даргоҳда етук олимлар қатор илмий тадқиқотлар олиб боришганини таъкидлаб ўтди.

Маълумки, академик Воҳид Абдуллаевнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Самарқанд давлат университетида адабиёт илми тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатган бир гуруҳ етук олимлар етишиб чиқди. Ботурхон Валихўжаев, Орифжон Икромов, Нуриддин Шукуров, Сайдулло Мирзаев, Раҳмонқул Орзибеков, Исомиддин Салоҳий, Қобилжон Тоҳиров, Абдурашид Абдураҳмонов, Шавкат Холматов каби йирик адабиётшунос, матншунос олимлар ишлаган йиллар Самарқанд адабиётшунослик мактабининг юксалиш даври ҳисобланади.

Академик Воҳид Абдуллаев қирқ йил давомида Самарқандда адабиётшунослик мактабини яратиш, ўз атрофига зукко, салоҳиятли, маданий-маънавий меросимизни холис илмий асосда баҳолайдиган, чуқур таҳлил ва тадқиқ эта оладиган ёш кадрларни тўплаш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш йўлида тинмай меҳнат қилди.

Семинарда ўзбек мумтоз адабиётининг долзарб масалалари юзасидан тадқиқот ўтказган университет фидойилари ҳаёти ва ижоди хусусида маърузалар тингланди.

Академик Ботурхон Валихўжаев ўзбек адабиёти тарихи, хусусан, темурийлар даври адабиёти ҳамда навоийшунослик, бобуршунослик, мирийшуносликнинг долзарб масалалари бўйича мунтазам илмий тадқиқотлар ўтказган бўлса, профессор Раҳмонқул Орзибеков ўзбек адабиётшунослигида кам тадқиқ этилган янги мавзуга қўл урди. Жуда бой тарихга эга бўлган ўзбек мумтоз шеъриятидаги лирик жанрлар назарияси, поэтикаси, қиёсий таҳлили ҳамда тараққиёт босқичларини ўрганиш йўлида жиддий изланишлар олиб борди.

Университетнинг яна бир фидойиси олим ва педагог Қобилжон Тоҳиров эса мамлакатимизда, хусусан, Самарқанд давлат университетида таълим соҳасини такомиллаштириш, ўзбек адабиёти тарихи илмининг турли қирраларини ўрганиш ва ўргатишга мўлжалланган махсус курслар ташкил этиш, уларни фан дастурлари ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш масаласида бир қатор муҳим ишларни амалга оширди.

Самарқанд адабиётшунослик мактаби бугунги кунда ҳам устозларнинг бой илмий анъаналарини муносиб давом эттирган ҳолда ўзбек адабиёти тарихи, матншунослик, адабиёт назарияси, адабий алоқалар каби йўналишлар бўйича жиддий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Мазкур семинардан кўзланган мақсад фанимиз фидойиларини ёд этиш, улар мансуб бўлган илмий мактаблар томонидан олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш, тарғиб қилиш, ёшларга намуна қилиб кўрсатиш ва талабаларда маънавий меросимизга қизиқиш уйғотишдир.

Бобур ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

2014 йил — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

«Гулҳовуз»да янги қишлоқ врачлик пункти

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани «Гулҳовуз» маҳалласида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик ишлари ва жиҳозлар учун 354 миллион сўм маблағ сарфланди, 17 нафар саломатлик посбони иш билан таъминланди.

— Илгари шифо масканлари ночор аҳволда эди, — дейди қишлоқ врачлик пункти мудири Бўрон Ашуров. — Замонавий тиббиёт жиҳозлари ушалмас орзу эди. Президентимиз ва ҳукуматимиз эътибори туфайли мана бугун замонавий тиббиёт муассасаларига эга бўлмоқдамиз. Керакли асбоб-анжомлар билан жиҳозланган ва малакали кадрлар билан таъминланган бу каби тиббиёт иншоотлари қишлоқ аҳолисининг соғлиғини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Самарқанд вилоят бошқармаси

2014-2015 йилларда реконструкция қилиниши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
1.	Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-а уйдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Самарқанд вилоят бошқармаси маъмурий биносини реконструкция қилиш	5 021 482 782 сўм	6 025 779 339 сўм	15 ой

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси махсус маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Самарқанд вилоят бошқармаси.
Манзили: Самарқанд шаҳри, Фарҳод кўчаси, 34-а уй.
Телефон: (8366) 234-11-00.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2Д-корпус, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Фарҳод кўчаси, 34-а уй, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Самарқанд вилоят бошқармаси биносида соат 16:00 да ўтказилади.

ОБ-ҲАВО *13-14 — 05. 2014*

Юртимиз бўйлаб (°С)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+13 / +18	+28 / +33
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+13 / +18	+28 / +33
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	+11 / +16	+28 / +33
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	+13 / +18	+28 / +33
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	+11 / +16	+25 / +30
Тошкент шаҳри	+11 / +13	+28 / +30

Дунё бўйлаб (°С)

Лондон	+15 / +17
Париж	+16 / +19
Москва	+22 / +20
Мадрид	+22 / +24
Пекин	+31 / +25
Канберра	+18 / +18
Рим	+19 / +21
Афина	+28 / +29
Токио	+27 / +27
Стокгольм	+16 / +15
Кейптаун	+20 / +21
Қоҳира	+29 / +32
Гавана	+30 / +32
Вашингтон	+30 / +25

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Saidahmad RAHIMOV, Hotamjon KETMONOV, Farruh HAMROYEV, Ulug'bek VAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Rustam KAMILOV, Tat'yana KISTANOVA, Sharbat ABDULLAYEVA, Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 560
18743 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.25
Topshirilgan vaqti — 02.05

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5